

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 158 (6. 349)

1987 йил 14 июль, сешанба

Баҳоси 3 тийин

## Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросида

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросининг навбатдаги мажлисида Тошкент шаҳрида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг 1986—2000-йилларга мўлжалланган яхлит комплекс программаси қандай бажарилаётгани ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Бюро таъкидлаб ўтдики, бу соҳадаги ишлар партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари талабларига жавоб бераётгани йўқ. Район партия комитетлари, кўпчилик бошланғич партия ташкилотлари, совет органлари, шаҳар корхоналарининг коммунист-раҳбарлари меҳнат коллективларининг истеъмолатлари ишлаб чиқариш соҳасидаги ишнинг тубдан қайта қуриш зарурлиги ҳақидаги масаланинг кескинлигига етарли баҳо бермаётган.

Программани амалга оширишда масъул Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, район ижроия комитетлари шу соҳадаги ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйдилар. Унинг бажарилишини назорат қилмаётганлар. Беш йиллик йиллари бўйича планларнинг тузилиши учун етарли масъулият кўрсатмаётганлар, корхоналарнинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасидаги аниқ имкониятларини ўрганмаётганлар.

Шунинг натижасида умуман шаҳар бўйича олданда халқ истеъмоли товарларини ривожлантириш яхлит комплекс программасини амалга оширишда иштароқ этаётган 156 корхонадан 34 таси топириқдан анча оққа қолиб ишлаётган. Умуман шаҳар бўйича 1986 йил ва 1987 йилнинг биринчи ярмида программалар оққа қолиш 70 миллион сўмдан ортиқроқни ташкил этди. Акмал Икромов, Ленин, Собир Раҳимов, Фрунзе районлари белгилаган программани ундай олмаётганлар. Ердамчи сановатда товар ишлаб чиқариш амалда назорат қилинмай қўйган. Бу ерда планлар муттасил равишда бажарилмаганига устидан мўлжалланган маъсулот таъбирлаш ҳамон давом этмоқда.

Яхлит комплекс программа қисмлари бўйича халқ учун товарлар ишлаб чиқаришда республика Енгил, Мебель, Маҳаллий сановат министрликлари кор-

хоналарида кўп оқсашга йўл қўйилган.

1986—1987 йилларда Ўзбекистон ССР Енгил сановат министрлигининг шаҳарда жойлашган корхоналари комплекс программанинг 51,4 миллион сўм миқдорига бажарилмаган қисмига йўл қўйдилар. Мазкур корхоналарнинг коммунист-раҳбарлари, партия ташкилотлари хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, давлат қабулини жорий этиш шартларида ишлаб турганлари ҳолда ўзибуларчиликнинг эски юқидан, боқимандалик кайфиятидан қўлга олганлари йўқ. Улар бозори касод товарлар ўрнига истеъмолати кўтаётган харидорлар моллар ишлаб чиқаришни бошлаш уёқда турсин товарларини ишлаб чиқаришни қисқартиришдан иборат осонгина йўлга ўтиб олганлар.

Енгил, Маҳаллий, Мебель сановат министрликлари ашпаратларининг партия ташкилотлари бу вазифаларни ҳал этишдан четда турибдилар, улар корхоналарга баланслаштирилмаган планларни етказиш практикаси давом этаётганлиги, моддий-техника таъминотида узилишлар бўлаётгани, корхоналарни реконструкциялаш ва техникавий қайта қурулантириш масалаларида масъулиятсизлик билан қаралаётгани учун министрликларнинг коммунист-раҳбарларига нисбатан талабчанлик кўрсатмаётганлар.

Шаҳар бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқарилаётган маъсулот сифатини яхшилаш, ассортиментини янгилаш ва кенгайтириш маъмул ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқроқ фойдаланиш учун курашда иштирок кўрсатмаётган. Кўп смелани иш режими, меҳнати ташкил этишнинг кесаначилик шакллари сўз жорий этилганлиги, корхоналарнинг яроқли чиқиндилари билан савдо қилиш жуда сезил суръатлар билан ривожланмоқда. Корхоналарнинг савдо билан алоқаси бўш, зарур товарларини ишлаб чиқаришнинг узоқ муддатли прогнозлари йўқ.

Бюро Тошкент шаҳри бўйича халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг 1986—2000-йилларга мўлжалланган яхлит комплекс программасини бажариш соҳасидаги аҳолини қониқарсиз деб топиб, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети,

район партия комитетлари ва ижроия комитетлари бошланғич партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларидан товарлар ишлаб чиқаришда йўл қўйилган қўлоқликни қоплаш соҳасида шошилинч ва узилишчил чоралар қўришни талаб этди.

Бюро мажлисида, шунингдек, шаҳар ёш техниклар станциясидан тушган хат ва аризаларни қараб чиқиш чоғида йўл қўйилган принципсизлик ҳамда сансалорлик фактлари ҳам муҳокама этилди.

Бюро таъкидлаб ўтдики, кейинги уч йил мобайнида шаҳар ёш техниклар станциясидан носоғлом маънавий-психологик вазият вужудга келган. Бунга «Автодизайн» тўғрисида раҳбар В. А. Ашқин ва маъмурият ўртасидаги низо сабаб бўлган.

В. А. Ашқин тўғрисида ишлаб турган даврида автоматоконструкциялаш соҳасида болларнинг техник ижодкорлигини ривожлантириш тўғрисидаги ишларни сурган, тўғраранинг моддий-техникавий базасини яхшилашга қаратилган ҳаққоний талаблар қўйган.

Шаҳар ёш техниклар станциясининг директори коммунист В. В. Гаврилов боллар техник ижодкорлигини ташкил этишнинг янги шакллари қидиришда В. А. Ашқинни қўллаб-қувватлаш, унинг тақдирларини холисона қўриб чиқиш, ўрнига ўқиниш позициясини эгаллаб, кўпдан-кўп комиссиялар ва текширишлар ташкил этган. В. А. Ашқин ишдан камчиликлар қидириб бошлаган, уни обрўсизлантирадиган материаллар тўплаш билан шуғулланган. Олишувга педагогика коллективи ҳам жалб қилинган.

В. А. Ашқин партия ва совет органларига станция маъмурияти хатти-ҳаракатларини, халқ маорифи бош бошқармаси раҳбарлигини таниқ қилиб мажбурий равишда мурожаат этганидан кейин халқ маорифи бош бошқармаси бошқарушини ўринбосари коммунист Л. И. Пинчук ҳам идоравий манфаатларни ҳимоя қилиш йўлига ўтиб олган.

Шунинг натижасида 1986 йил майда В. А. Ашқин қонуничи равишда ишдан бўшатилган. Орадан етти ой ўтгандан кейингина у Ўзбекистон ССР Маориф

министрлиги буйруғи билан ўз ишига тикланган.

Партия органларига «Автодизайн» тўғрисида иш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳақида кўрсатма берилган эди. Бироқ коммунистлар В. В. Гаврилов ва Л. И. Пинчук ўзларини гўё иш билан банддек кўрсатиб келишган. Капитал реконструкциялаш талаб этилган тўғрарак биносидан узоққа қўзилган юзаси ремонт бошлаб юборилган. Тўғрарак ишламай қўйган, В. А. Ашқин эса 1987 йил мартда яна ишдан бўшатишга, энди штатни қисқартириш баҳонасида шундай қилинган. Маълум бўлишича, штат рўйхати бузилган ҳолда у шаҳар ёш техниклар станциясини филиалининг мудри ҳисоблан келинган.

Станция маъмурияти, халқ маорифи бош бошқармаси тўғрарак раҳбари билан бўлган уч йиллик олишувда энг муҳим нарсани бой бердилар — Шаҳарда боллар техник ижодкорлиги аҳоли ночорлашди. Мактабдан ташқари муассасанинг моддий базаси ҳозирги талабларга мувофиқ жавоб бермайди: ускуналар эскирган, тўғрарак ишлари учун хом ашё ва материаллар етишмайди. Болларнинг техник ижодкорлиги ниҳоятда оддий усулда ташкил этилган, мактаб ўқувчилари умумий сонининг уч процентини шу соҳага жалб қилинган, холос. Ўқувчиларнинг техник ижодкорлигини ташкил этишда ёш техниклар станцияси мувофиқлаштирувчи ва методик марказга айланмаган, унда турғунлик ҳукмрон.

Коммунист Л. И. Пинчук техника тўғраракларнинг шаҳардаги корхоналар, ташкилотлар, илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртли билан алоқаларини ривожлантириш масалаларини ишнинг кўзини биллиб ҳал этмаган. Халқ маорифи бош бошқармаси боллар техник ижодкорлигини ривожлантиришнинг яхлит программасига эга эмас.

Марказий телевиденининг «Бун сиз эълай олсиз» ёшлар кўрсатувида ана шу камчиликлар ҳаққоний равишда тилга олиб ўтилди.

Рўй берган вазиятда халқ маорифи бош бошқармаси аппаратининг партия ташкилотли коммунистлар Л. И. Пинчук ва В. В. Гаврилов ҳам идоравий обрўни ҳимоя қилишдан юқориқоқ туришни, ўз тасарруфларидаги муас-

саларга раҳбарлик қилиш услуб ва методларини яхшилашларини талаб этмади.

Партия бюроси В. А. Ашқин КПСС Уставини бузгани ҳолда қарийб тўрт йил мобайнида халқ маорифи бош бошқармаси бошланғич партия ташкилоти учётга турмаганлиги факти билан мураса қилиб келди. У йўл қўйган меҳнат интизомини бузиш ҳолларига принципал баҳо бермади. Шаҳар партия комитетининг фан ва ўқув юртли бўлими маъмуриятнинг В. А. Ашқинга нисбатан хатти-ҳаракатига юзаси баҳо берди. Шаҳарда боллар техник ижодкорлигини ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари билан кеч шуғуллана бошлади.

Бюро Марказий телевиденининг «Бун сиз эълай олсиз» ёшлар кўрсатувида Тошкент шаҳрида боллар техник ижодкорлигини ривожлантиришда йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида таниқ қилинди, деб топди.

Ишда камчиликларга, шаҳар ёш техниклар станциясидан тушган хат ва аризаларни қараб чиқиш чоғида сансалорлик ва расмиётчиликка йўл қўйилганлиги учун халқ маорифи бош бошқармаси бошқарушининг ўринбосари Л. И. Пинчукка чет қарточкасиа ёши шарт билан вивогор эълон қилинди.

Коммунистлар нисбатан етарли талабчанлик қилмаганлиги, принципсизлиги, маъбуот таниқидига нотўғри муносабатда бўлганлиги учун халқ маорифи бош бошқармаси бошланғич партия ташкилотининг секретари Л. В. Акбаровага қаттиқ вивогор эълон қилинди.

Халқ маорифи бош бошқармаси бошланғич партия ташкилотига КПСС аъзоси, шаҳар ёш техниклар станциясининг собиқ директори В. В. Гавриловнинг йўл қўйган тартиб бузилишлари ва камчиликлари учун жавобгарлиги масаласини қўриб чиқиш тақдир этилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ва боллар техник ижодкорлиги билан боғлиқ устакларнинг кадрлар билан мустаҳкамлаш тақдир этилди. Мазкур масала юзасида қабул қилинган қарорда шаҳарда боллар техник ижодкорлигини тубдан яхшилашга қаратилган бир қатор чоралар белгиланди.

Бюро партия иши, шаҳар иқтисодий ва социал ҳаётга доир бошқа масалаларни ҳам қўриб чиқди.

## ЗАМОИДОШИМИЗ



### ЖОНКУЯР

Ҳар бир соҳанинг ўз новаторлари, ишлаб чиқариш илгорлари бор. Улар ўзларининг зарбдорона меҳнатлари билан бугунги ютуқни эртага оддий нормага айлантириб борадилар. Ҳамisha ички имкониятларни юзаси чиқариш учун тиниб-тинчимайди. Намма Муҳитдинова ҳам ана шундай жонкуяр ишчиларнинг биридир. У саккиз йилдан буён Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик сановат министрлигига қарашли техника заводда йигувчилик касбин упулғаб келмоқда.

роитдаги фаолиятдан келиб чиқарган ҳуносамиз бизда ишга ана шундай янгича муносабат туйғуларини қарор топтирмақда. Ахир сифат исон меҳнатининг кўзгуси-ку. Шундай экан, бу хайрли ишдан четда қолиб бўлмайми!...

Э. Зоҳидов фотоси.

### Қурилиш майдонларида

### Ёш ижодкорлар уйи

Собир Раҳимов районининг Себзор массивида тўққиз қаватли, 54 квартирали «Ёш ижодкорлар уйи» биноси ҳал қўтармоқда. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети бюросида масъул бўлиб эълон қилинган бу комплекснинг лойиҳаси «Таштпрогор» институтидан ишланган. «Т-С» серияли бу бино тўққиз балли ер силкинишига бардош беради.

Икки блок билан унинг биринчиси турар жой бўлиб, иккинчиси бир қаватли бинода ижод билан шуғулланиш учун алоҳида хоналар, кутубхона, буфет, дам олиш хоналари жойлашади.

### Оролни қутқариш фондига

«Публицистикага оид китобининг гоналарини Ўзбекистон ССР Давлат банкининг Қўйибеш бўлимидаги 000700778 рақамли счётига ўтказишинизни сўрайман», — ўзбек ёзувчиси Уткир Ҳошимов «Ўзбекистон» нашриётига ана шундай илтимос билан мурожаат қилди. Бу республика ёзувчилари союзи ҳузуридаги Орол денгизини қутқариш жамоат комитетининг счётидир. Унга адабиёт, санъат, фан арбобларидан, Ватанимизнинг турли ноиларидаги корхона ва ташкилотлардан маблағлар келмоқда.

Республика жамоатчилиги Орол денгизини қутқаришнинг реал йўларини изламоқда.

Биз тўпланган маблағни шу мақсад йўлида сарфлашни мўлжаллашимиз, — дейди Оролни қутқариш жамоат комитети раиси Пиркент Шермухамедов. — Ёзувчилар Ч. Айтматов ва А. Нурпеисов, космонавт-учувчи В. Жонибоков, таниқли совет генетик олими Н. Дубинин Орол фондига биринчилардан бўлиб ўз хиссаларини қўшишга аҳд қилдилар. Ўзбекистонлик шоир ва ёзувчилардан — Шукрулло, О. Еқубов, Т. Ҳайитбергенов, Н. Фозилзо, Н. Камол, Ш. Раҳмон, М. Кенжабоев ва бошқалар анча маблағ юбордилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институтининг ходимлари бир кўнлик иш ҳақларини 000700778 счётига ўтказдилар. Оролни қутқариш фондига маблағлар келиб турибди. (ЎЗАТ).

### ҲАВАСКОРЛИК САҲНАСИДА

Ю. Гагарин номидаги тўқинчи марказида театрнинг «Ромео ва Жульетта» трагедиясини корхона тўқимачиларга намойиш этди. Бу спектаклга М. Горький номидаги рус академик драма театри актёрлари ҳам муносиб баҳо беришди. Шу кунларда актёрлар Олбининг пьесаси асосида «Ҳайвонот боғида нима бўлган эди» спектаклини тайёрлашмоқда.

### Ягона қардошлик оиласида

## ҚУЙЛАЙМАН ШАЪНИНГНИ ЭЙ, ОНА-ВАТАН, ҚУЙЛАЙМАН СЕНИ МЕН ҲУР РЕСПУБЛИКАМ!



### Арманистон Совет Социалистик Республикаси



«Луйс» («Нур») ишлаб чиқариш бирлашмаси ёруғлик воситалари ва ёритиш-техника буюмларини ишлаб чиқарувчи мамлакатимиздаги энг йирик корхоналардан биридир. Ҳар йили бу ерда халқ истеъмоли товарларининг ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Уларни республикадагина эмас, мамлакатимизнинг турли бурчақларида харидорлар севиб харид қилишмоқда.

СУРАТДА: бирлашманинг синов станциясида.

Г. Калачьян ва М. Шахбазян фотоси, ТАСС фотохроникаси.

«Революция мамлакатимизда миллий масалани ҳал этишга асос солди, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг Совет халқига Мурожаатномасида. — Совет ҳокимияти йиллари давомида халқларнинг тенглиги, қардошларча ҳамкорлиги амалда тасдиқланди. Барча республикаларнинг экономикаси ва маданияти юксалди... Бун Арманистон Совет Социалистик Республикаси мисолида ҳам аққол кўриш мумкин. Умуман, кўп жабру жасорлар чекан халқ Улуг Октябрь социалистик революцияси туйғайи жуда катта бунёдкорлик ишларини амалга оширди, Октябрь Арманистонини ҳозирги / қўқиларга кўтарди.

Улуг доҳиймиз Владимир Ильич Ленин кўрсатиб берган йўл — ҳар бир республиканинг, ҳар бир эланинг ўзaro қардошлик ит-

тифоқи доирасида эркин ривожланишига қаратилган йўл эди. Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи уларнинг ҳаққоний, мустақкам ўзарo қиқиллашувини таъминлайдиган бирдан-бир пухта восита сифатида ҳамisha доҳийнинг диққат марказида турди. Ленин йўлидан, Октябрь йўлидан собитқанда билан бораётган арман халқининг ҳамма соҳадаги орзу-умидлари рўёбга чиқди. Советлар ҳокимиятининг 70 йили мобайнида халқнинг моддий-маънавий камолоти нақадар ўсганлигини Арманистон пойтахти мисолида ҳам аққол кўриш мумкин.

◆ (Бугунги Арманистон ва унинг пойтахти Ереваннинг бугунги кун ва келажаги ҳақидаги материалларни газетанинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз).

## Инсон саломатлиги йўлида

Октябрь районининг аҳолиси Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш ва муҳофизат қилиш вазирлигининг С. М. Вахромов, республика соғлиқни сақлаш муассасаларининг масъул ходимлари би-

лаш бўлган учрашув чоғида медицина муассасалари ишнинг тақомиллаштириш билан боғлиқ бўлган ва ўзларнинг қизқинтириётган кўндан-кўп саволларга атрофлича жавоб ол-

дилар. Учрашувни Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари Х. С. Орипов оиди.

Ошкоралик руҳида бўлиб ўтган учрашув чоғида соғлиқни сақ-

лаш муаммолари ва камчиликлар ҳақида, амбулатория-поликлиника ёрдами кўрсатишни янада тақомиллаштиришнинг зарурлиги, йирик диагностика марказларини ташкил

этиш ҳақида суҳбатлашиб олинди. Шу нарсга таъкидландики, Октябрь район соғлиқни сақлаш органларининг тўқинчи йилнинг мунтазам

хар доим ҳам бажарилавермайди. Рўзгор чинидиларини олиб кетиш билан боғлиқ муаммолар ҳал этилмади, қўй-қўйларнинг ертўллари сўз босиб ётиши ҳолларида барҳам берилмапти, бу нарсга чинивларнинг кўпайишига ва юқумли касаллик-

лар тарқалишига сабаб бўлган. Қўн-қўйна заводидаги атофот-руҳтининг инфослантириши ҳоллари ҳамон давом этмоқда.

Соғлиқни сақлаш министрлигининг, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг, Октябрь район соғлиқни сақлаш бўлимининг раҳбарлари уларнинг кўпгина саволларига жавоб қайтардилар.



# Куйлайман шаънингни эй, она-Ватан, куйлайман сени мен ҳур республикам!

Абдулла ОРИПОВ.

## АРМАНИСТОН

Ватаним қўшга кўксини очиб, Осиё қўйнида яшнаган бўстон. Мен бу кун дарёлар, тоғлардан ошиб, Қучоғинга келдим, гўзал Ҳаястон. Бир ёнингда турар оқ соч Арарат — Тоғлар тасбеҳининг гавҳар донаси. Нима ҳам дер эдим, гўзалсан фақат Эй, сен, арман юртин гамгин онаси. Бир ёнингда эса Севандай баҳр, Мисоли булутлар ичида қамар. Арман ҳасратлари бари бундадир, Бундадир Ҳажининг дўсти Охтамар<sup>1</sup>. Бунда Сосун ўғли кезиб юрибди, Отдан тушган эмас ҳамон фидойи. Минг йиллик гамлардан сўйлаб турибди Гарни харобаси, Звартноц жойи<sup>2</sup>. Гўзал Арманистон, эй қадим дийёр, Эй, Одам Атонинг ўғай боласи. Қанча кўп дарбадар фарзандларинг бор<sup>3</sup> Уларнинг кўксига ўқинч ноласи. Уч бўстон булбули Саят Наво бу, Қўлида созию қалбида алам, Туманин юртинг деб чеккада қайғу, Арман қисматиға янғилдай олам. Наренц таъналардан ҳайиқмай тақир, Шерият кўкида кўтарди ялов. Ҳайҳот, бу хотин ҳам ёндирди охир, Ҳайҳот, бу хотин ҳам ёндирди олов. Гўзал Арманистон, мени авф эт, Давлом йўл шухратинг овозасига, Сен билан турибман буюн бетма-бет, Бош уриб Ерван дарвозасига. Буюқ фожиянинг гувоҳи эрур Яҳонч лўмонда ҳар етти тараф. Йўл усти сенга ҳам кўнганди Темур, Сени муаб ётди неча йил араб. Арсона ошинг буюк Искандар Сарояларинг буюди армакка фақат. Дувёга тўғизнинг бамисоли пар, На салжуқ, на Чингиз қилмади цафқат. Тозига чап бериб қочган ҳар тулки, Арман тупроғинг буюди қонга. Босқинчи сўзининг маънос шулки, Нонга тўйганда ҳам тўймак маконга. Тарих деб аталган қисмат бу, ахир, Қонидо юз тубан ҳаттоки худо. Кимни у камситиб, этмаган тақдир, Кимни у юртинг қилмаган жудо. Менинг ҳам Ватаним жанглар гувоҳи,

Менинг ҳам тупроғим топталганди хор. Менинг ҳам руҳимда аждодлар охи, Менинг ҳам қонимда қилч занги бор. Миноралар эмас бу — фалакка қасам, Қасоскор боболар кетмишлар санчиб, Мен тортган гами ҳам бир-бир санасам, Ҳайҳот, бу хотин ҳам ёндирди олов. Гўзал Арманистон, эй қадим дийёр, Эгу эҳтиромим қабул эт жондан. Сен қанча бўлмагин сулув ва дилдор, Юрт излаб келмадим Ўзбекистондан. Мен бир кезиб юрган куйчи шоирман, Не тонг, Ҳаястонга келибман бу кун. Бахтини куйламоққа анча моҳирман, Гами куйламоққа тилларим тутан. Таини бу руҳинга шерь-булиб кирди Мовий дараларда асриқ туман. Шерь мени чамалар сайрига бурди, Сарғашта этган ҳам ўша «Есуман». Ҳайр, Арманистон, эй гўзал дийёр, Ҳайр, Нарининг тонги салом. Ҳайр, Сенан кўли, лок ва бегубор, Ҳайр, ману ўлмас арман қаломи. Эгу тилакларим сен учун бўлсин, Умининг қаларди боқиб бўл, бор бўл. Йироқ фарзандларинг бургинга тўлсин, Варига она бўл, синил бўл, ёр бўл. Дом мағрур турсин Гарни Кега<sup>4</sup>р<sup>4</sup>т<sup>4</sup> Оду тўларди кезсин мардона. Мендай ҳорин йўлчи келганда фақат Ўзининг беғона тузмагин, она,

1. Охтамар — мажнун сифат ошқ об-раи.
2. Гарни, Звартноц — қадимий ибодат-хоналарнинг харобалари.
3. Арман халқининг катта бир қисми тарих тўқоси билан бутун дувёга сочи-либ кетган.
4. Кега<sup>4</sup>р<sup>4</sup>т<sup>4</sup> — арманча йўлбарс дегани, Гарнида шундай ҳайкал ҳам бор.

## Арманистон Совет Социалистик Республикаси



### Қайта қуришнинг олдинги сафида

Хур Советлар диёрида, ягона қардошлик оиласида гўллаб яшнаётган республикалар ичида Арманистон ССР ҳам ўзига хос ўрин тутди. КПСС XXVII съездида барча қардош республикалар қатори Арманистон ССРни ҳам ривожлантиришнинг ёрқин режалари белгилаб берилди. Бугунги кунда республика экономикаси тараққиётини урушдан олдинги беш йилликлар билан таққослаб ҳам бўлмайди. Совет Арманистони компьютерлар, радиоэлектрон ва радио техника буюмлари, турли приборлар, автомобиллар ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқаришти. Бугунги кунда Арманистон сановат маҳсулотларини жаҳоннинг 70 дан зиёд мамлакатлари харид қилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленуми кўрсатмалари асосида республикада муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Қайта қуриш ва жадаллаштириш, янгилаш шароитларида барча соҳаларда демократлаштириш, инсон омилининг ролини ошириш тадбирлари қўрилди.

Бугунги кунда техника тараққиётини жадаллаштиришга эътибор кучайтирилган. Бу борада олимлар муҳим ютуқларни қўлга киритишди. Масалан, астрофизика, элементар зарралар физикаси, квант электроникаси, полимерлар химияси ва актив биологик бирикмалар, геология, сейсмология соҳаларидаги ютуқлар кишини қувонтиради.

Агар Улуғ Октябрь социалистик революциясигача Арманистонда биронта ҳам олий ўқув юрти бўлмаган бўлса, эндиликда ўн учта олий ўқув юртида минглаб студентлар билим чўққиларини эгаллаштишти. Арман халқининг ўтмишдаги тақдирини шундай бўлганки, улар тақдир тақозоси билан жаҳоннинг барча бурҷакларига тарқалиб кетган. Бу йилги статистика ҳисоб-китобларига қараганда Арманистон аҳолиси уч миллион 409 минг кишини ташкил этади. Ҳолбуки, революциягача республиканинг территориясида бор-йўри 720 минг киши истиқомат қилар эди.

Ўз навбатида республикада партия ташкилоти сафлари ҳам тобора кенгайиб борибди. Ҳозир 192 мингдан зиёд коммунист бор. Арманистонда биринчи марксизмч тўғарак 1899 йилда ташкил этилган эди. Унинг асосчиси Владимир Ильич Лениннинг сафдоши ва шогирди, атоқли революционер С. Шаумян бўлган эди. Республика партия ташкилоти иккинчи бўлиб соҳаларда янги ютуқларни қўлга киритиш йўлида катта ишларни олиб борапти. Бугунги кунда эришилган муваффақиятлар ҳақида шунги фахрларим айтиш мумкинки, меҳнатда эришган юксак натижалари учун 223 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Улуғ Ватан уруши фронтларида эса арман халқининг мард фарзандлари кўрсатган мислсиз жасорат тиллардан тўшмайди. Улар она-Ватан учун жангларда жон олаб-жон бердилар. Оздан зиёд арман жангчилари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганлиги бунинг яққол далилидир.

Урушдан кейин ўтган беш йилликлар мобайнида КПССнинг ленинча миллий сиёсати натижасида, совет халқларининг қардошларча ёрдами ва бузилмас дўстлиги самарасида кўпгина ажойиб ўзгаришлар рўй берди. Ҳозир республикада халқ депутатлари Советларининг фаолияти ана шундай ўзгаришлар рўй берди. Масалаларини ҳал этмоқда ишчилик, конкретлик тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Республикада қурилиш ҳам кенг тушмоқда. Масалан, биргина ўтган йили бир миллион 280 минг квадрат метр турар жой майдон қурилди. 19 минг квартира калити арманистонликларга топширилди. Минглаб кишилар уй-жой шароитларини яхшилаб олдилар.

Ҳолисона айтганда республикадаги ўсиш-ўзгаришлар кўзи қувонтиради. Шу беш йилликда республикада сановат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 24—26 процент кўпайтириш мўлжалланган. Бир қанча ишлаб турган машинасозлик, химия ва енгил сановат, рангид металлургия, қурилиш материаллари сановати корхоналари реконструкция қилиниб, техника жиҳатдан қайта қурол-дантирилмоқда ва кенгайтирилмоқда. Арманистон атом электр станциясининг иккинчи навбати қурилиши, Варденис — Жермук темир йўли қурилиши авж олдириш, автомат манипуляторлар, махсус технология машина ускуналари учун олдиндан программалаштирилган топшириқ берувчи аппаратлар, гидроускуналар ишлаб чиқарувчи заводлар ва бошқа корхоналар қуриш режалари амалга оширилмоқда.

Арманистон қишлоқ хўжалигини ҳам ривожлантириб борапти. Шу беш йилликда қишлоқ хўжалигини янги маҳсулотнинг ўртача йиллик ҳажмининг 12—14 процент кўпайтириш, 1990 йилга бориб эса дон еттиштиришни 330 минг тоннага, сабабот еттиштиришни 500 минг тоннага, мева ва резавор еттиштиришни 240 минг тоннага кўпайтириш, шунингдек чорвачилик маҳсулотларини кескин кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари асосида республикада жиддий камчилик ва нуқсонлар очиб ташланган, уларга изчиллик билан барҳам бериб бориляпти. Иш усули ва методларини янгилаш, оммаининг иккинчи ташаббускорлигига таяниб иш қўриш, инсон тўғрисида гамиҳурлик қилиш ва бошқа масалаларга муҳим эътибор қаратилмоқда. Халқ хўжалигининг кўпгина соҳалари янгилаш дариини бошдан кечиряпти. Масалан, биргина сановат корхоналарида сифат белгиси учун кураш, маҳсулотнинг давлат қабулини жорий этиш, маҳсулот сифати учун маъсулликни кучайтириш борасида кенг кураш олиб бориляпти. Бугунги кунда бутун эътибор жадаллаштириш программасидаги асосий вазифа — ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини амалга оширишга қаратилмоқда. Улуғ Октябрьнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун кенг туш олаётган мусобақа марказида ҳам шу вазифа турибди.



СУРАТДА: Ерваннинг янги турар жой массиви Нор-Норда арман халқ эпосининг қаҳрамони Айка ўратилган ҳайкал.

Бутун мамлакатимиздаги сингари бизнинг Арманистонда ҳам тавақкурдаги колокликка барҳам бериш, яроқсиз бўлиб қолган иш услуби ва методлардан воз кечиш, бир сўз билан айтганда қайта қуришнинг олдинги сафида бориш кўпгина ишларнинг эгу мақсадиға айланган.

Бизнинг «Луйс» ишлаб чиқариш бирлашмасида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарофига ҳақиқий бунёдкорлик, ўзгартирувчилик руҳида иш олиб бориляпти. Шунинг айтиш кераки, бизда ҳўжумчи ҳисоби асосида ишлаётган комсомол ёшлар бригадалари тобора кўпайляпти. Улар қайта қуришнинг олдинги сафида бориб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашмоқдалар.

Бизнинг бригадамиз аъзолари мусобақада бир неча бор галиб чиқди. Эсимда, маҳсулотнинг давлат қабулига тайёрлик кезларидаёқ бригадамиз аъзолари унга шай эканликларини билдиришган эди. Ававалига бироз шубҳа билан қараган эдим. Йўқ, бригадамиз аъзоларининг сўзлари билан ишлари бир бўлиб чиқди. Давлат қабулига қорхонамизда биринчилар қаторида ўтди. Маҳсулотларимиз аъло сифатли тайёрланяпти. Бригадемизнинг ҳар бир аъзоси ўз маҳоратини кўрсатиб, қалол ва фидокорана меҳнат қилмоқда. Маҳсулотларимиз биринчи тақдим этишдөөқ топширилмоқда. Ошкоралик ва демократияни чуқурлаштириш қайта қуриш шароитларида ишларни янгида ривожлантиришга катта ёрдам беряпти.

**С. КАРАПАТЯН,**  
«Луйс» ишлаб чиқариш бирлашмаси бригада бошлиғи, Арманистон Ленин комсомол мукофотининг лауреати.

## Улуғ рус тили

Кўза илғамас йироқдан биз қилиб парвоз Белгилли манзилга етдик беозор. Гўё самолёт ҳам яралган атай. Интиқ диллар тараққ кўрсин деб дийдор. Биз гарчи ўсганимиз бир-бирдан йироқ, Гарчи турли рангда порлайди қўлар, Сухбат қурмоқдамиз нақадар йироқ,

Гўё биз азалдан қадрдон-дўстлар. Шимолий қорликдан то Жануб қадар Туғилган жондоқдек қандирди дили, Бу қадар биз йироқ бўлмасайди, гар — Қўлдош бўлмасайди Улуғ рус тили.

Нусрат КАРИМ таржимаси.  
Паруйр СЕВАК.

## Йўл кўриш

«Елғизлик сўздан хонада Ҳаттоки ҳаво ҳам кетар сесканиб. Ва мен шунда Одам боласининг энг заиф жойи Одам боласининг энг заиф жойи Кўз эканлигини пайқиб қолман. Йўл кўрган буларимиз одам Қолса бир нуқтага узоқ тинчилиб. Кимдир келар эмиш! Агар шу гап ёлгон бўлмаса Бошқа ҳеч нарсадан эмас, Эзгулик илжосизликдан туғилган. Мен йўлга қарайман, Келмайсан, лекин, Сен кела олмайсан, яхши биламан! Хонада-чи, қақшайди ҳаво «Елғизлик» аталган ситамлар сўздан. Ҳаёт титрар, Синамоқ учунгина инсонни Балки

Чоқлар яратилганини эслаб... Бу аччиқ ҳақиқат бўлса Нима қилай, Туб-тубиға қуламоқ учун Яратилган бўлса ростдан ҳам чоқлар. Нима қилай, Кўза бўлмасам, Чил-чил синмай, сансарғулдай Тўнгилагим-тўнгилагим. Тўнгилагим-тўнгилагим. Улиб бўлдим! Танки қилгандай товўқлар Самолётларга Шу қадар қарашди мутақилларим — барглар Сенга олиспардан бир муфтига сўз Айтмай қуйишим, ури-нишдан... Елғонлар бор, ҳақиқатга баробар:

- Йўқотиб қўймасмиз биримизни — Мен бу уйдирмага нишонман.
- Даҳшатлар бор, ўлимларга баробар: Қўрқаман, изга тушиб, Ҳаё, ҳасратинг Аянч тарихисин бўлиб қолишдан.
- Журъат бор, ниҳоят парвозларга баробар: Суғураман ўзимни мен ўйларимдан Соғлом тиксин сугуриб олгандай милқдан!
- Улиб бўлдим, Шунчалар чарчадимки, Ҳеч нарсами сезмаяпман, пайқамалпаман... Кўз эканлигимни сезмасайдим, оқ, фақат Одам боласининг энг заиф жойи... Мухаммад РАҲМОН таржимаси.
- Ҳалоллик бозорда сотилмас.
- Бир ҳаром лўқма ютсан.
- Минг ҳалол лўқма йўқотгайсан.
- Саҳий бутун бир боғни ҳада қилар.
- Бахил бир бош узур бермас.
- Агар тўй қилса кўшининг, Эшигининг кенгроқ очиб қўй.
- Яхши қўшин, ёмон бирдордан афзал.
- Одил кишига жазо бўлмас.
- Узун тил-умрга эгов.
- Яхши сўз истасанг, ёмон дема.
- Яхши хотин — асл олтин.
- Узук бармоққа мос бўлсин.
- Ер кўнгилга ярашук.
- Меҳмон нонга эмас Меҳбонга боқар.
- Мастиги урма, ўзи йиқилар.
- Ичмасанг дўстини, Масҳара бўлмайсан!
- Н. ЖУМАЕВ тўплаган.

## Арман мақоллари

- Ҳалоллик бозорда сотилмас.
- Бир ҳаром лўқма ютсан.
- Минг ҳалол лўқма йўқотгайсан.
- Саҳий бутун бир боғни ҳада қилар.
- Бахил бир бош узур бермас.
- Агар тўй қилса кўшининг, Эшигининг кенгроқ очиб қўй.
- Яхши қўшин, ёмон бирдордан афзал.
- Одил кишига жазо бўлмас.
- Узун тил-умрга эгов.
- Яхши сўз истасанг, ёмон дема.
- Яхши хотин — асл олтин.
- Узук бармоққа мос бўлсин.
- Ер кўнгилга ярашук.
- Меҳмон нонга эмас Меҳбонга боқар.
- Мастиги урма, ўзи йиқилар.
- Ичмасанг дўстини, Масҳара бўлмайсан!
- Н. ЖУМАЕВ тўплаган.

[Арманистон ССРга бағишланган материалларни ТАСС ва «Тошкент оқшоми» мухбирлари тайёрлашган].

## Ерни тез қуриштиш усули

Т О К И О. Токио яқинидаги Ханэда аэропортига ёндош территорияда ерни тез қуриштиш самарали усули қўлланилди. Филтёрловчи материал билан қопланган синтетик резинадан тайёрланган кўпдан-кўп букма йўл-йўл тасмалар 12 метр чуқурликда ерга кўмилган. Тасмаларнинг ерга метрча узунлигини юқори қисми шамолда ҳилпираб, аэропорт атрофларига ажиб манзара бахш этган. Шу тасмалар ернинг намини худди минглаб насос сингари «тортиб олиб», булганган ҳолда атмосферага чиқариб юборади. Мутахассисларнинг хисобларига, кўра, шу ҳафтада йил мобайнида ернинг заҳи қочирилиб, тамсила қурилади. Шундан кейин тупроқ шу қадар қатқиллашадик, келаси йил июлда ёқ бу жойда замонавий пассажир самолётларини қабул қила оладиган янги чўчи қўниши йўлкаси қўрилади.

## Эрон—Ироқ уруши

БАҒДОД. Ироқ қўшинлари фронтнинг марказий участкасида душман позицияларига бир неча марта ҳужум қилдилар, дейилади. Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг наватдаги ахборотида, душман аскар ва техникадан талафот берди, эгаллаб турган бир қанча позицияларини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Ироқ армиясининг артиллерияси Басрадан шарққондаги райондан душман қўшинларининг позицияларига ва йиғилган районларига тез-тез ўти очиб турди. Эрон томонига каттагина эиён етказилди, унинг истеҳком қуриш ишлари барбод этилди. Фронтнинг шимолий участкасида ҳам қаттиқ тўп отишмалари рўй берди, бу ерда

## Кашандалар қанча кам бўлса...

ВАШИНГТОН. АҚШ миллий онкология институтининг олими америкаликлар ўртакдаги рақ касалликларини тадқиқ этиб, Қўшма Штатларда ўпка рақ биринчи номерли қотил деган хулосага келдилар. Вашингтон газетаси касалликлар устидан назорат этишчи миллий марказ эълон қилган маълумотларга асосланиб ёзишча, ҳар йили шу касалликдан 130 мингга яқин америкалик ўлмоқда. АҚШ бош ирғурги Эверетта Купанинг фикрича, ўпка рақидан ўлган ҳар 100 кишининг 85 нафар кешанд бўлган. Рақ касалликларини қанчалик барвақт аниқласан, уни шунчалик муваффақиятли доволаш мумкин. Аммо институт ходими Питер Гринулд кам бағаллиги сабабли кўп беморлар пулли касалхоналар ва клиникаларда малкали медицина ёрдамидан мақрум бўлиб қолмоқдалар, деб ҳисоблайди. Айни шу сабабга кўра негр аҳолиси ўртсида рақ касаллигининг ўлиш оқ танли америкаликларга исбатан анча кўпдир. Миллий онкология институтининг тадқиқотида кейинги йиллар АҚШда чешига қарши курашда муайян муваффақиятга эришилганлиги айтилади. Кейинги 40 йил ичида аҳоли жон бошига ҳисоблаганда сигарета ёкилиши энг паст даражада текирибди. Ёшлар орасида чекиувчилар жуда каммади. Локин чешига қарши краш тамеки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи монополияларнинг қаршилиғига дуч келмоқда. Улар ўз фойдаларини аввали юксак даражада сақлаш ҳароқат қилмоқдалар.

## Ҳиндистон министри АҚШниги сиёсатини танқид қилмоқда

ДЕХЛИ. «Қўшма Штатлар Покистон ядровий программани амалга ошираётганидан кўз юммоқда. Бу программа ҳарбий мақсадларни кўзда тутганлиги муҳтоқ равшандир, деди Хиндистон ташқи ишлар министри Н. Д. Тивари. У жумла куну бир ерда парламентнинг Ҳиндистон ташқи ишлар министрлиги ҳузуридидаги маслаҳат комитети мажлисида сўзга чиқиб, АҚШнинг Покистон режими билан стратегик уюшмасини мустақимлашга қаратилган жанубий Осиёдаги сиёсатидан Хиндистон миллий конгресси (И) партиянинг кўпгина аъзолари ва оппозициячи партиялар вакилларининг ташвишланганлигига қўшилишини таъкидлади. «Хиндистон Покистонга энг замонавий қурул-яроғлар ва технологиялар, шу жумладан

## ДАРСЛИКЛАРНИ ТАҚИҚЛАШМОҚДА

Жон Скопс узоқ 1925 йилнинг июль ойида Теннесси штатининг умум таълим мактабларида «Библияда баён этилган ва инсоннинг илоҳий келиб чиқиши ҳақидаги назарияга зид ҳар қандай назарияни тарғиб этиб» даре ўқишни таққиловичи қонунин бузганлиги учун айбонланган, суд қилиниб, айбдор деб топилган эди. Скопс ўқувчиларга Чарльз Дарвиннинг ер юзида ҳаётнинг эволюцияси ҳақидаги назарияси тўғрисида ҳикоя қилиб берган эди. Теннессида мана шу эски қонуннинг беқор қилинганлиги йиллардан бери бўлди. Аммо ҳали ҳам АҚШда ўша муҳим соҳа-қадарнинг акс-содоси сезилиб турибди. Реакцион диний доиралар ҳозир ҳам китоб ва дарсликлардан табият ҳодисаларининг илоҳий асослашга зид бўлган барча нарсаларини чиқариб ташлашга уринишмоқда. Жумладан, шу йил март ойида Алабама федерал округи судьяси ҳрсанан дини ақидаларига зид бўлган қирқдан зиёд таълим, жамиятшунос ва бошқа фанларга оид рақлиқлардан фойдаланишни тақиқлаш юзасидан қарор қабул қилди. ХАЙВОНЛАР ХАВФ ОСТИДА Ҳозирги вақтда юёб ҳайвонларнинг ҳеч қандай назоратсиз савд-сотни авж олиб бораётганини муносибати билан ҳайвонот оламининг тўқнаш вакиллари йўқ бўлиб кетиш ҳақида охида турибди. Жонли табият муҳофазат этиш Жҳон фонди ташкилоти ана шундай оғоҳланттириш билан чиқди. Мақзур ашқилотнинг маълумотларига кўра қонунга хилоф ана шундай бизнес билан шуғулланаётган корхоналарнинг бир йиллик обороти 300—400 миллион долларни ташкил этади.

— КПСС Марказий Комитетининг июнь (1987 йил) Пленумида «Партиянинг экономикаси бошқариш соҳасидаги вазифалари тўғрисидаги масала ҳақида тарафлама муҳокама қилинди. Сиз турли коллективларда, меҳнатлашар орасида кўп бўласиз, ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришларни кузатиш...

— КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачёв докладыда кейинги икки йил ичида мамлакат экономикаси бошқариш соҳасидаги ўзгаришлар, эришилган ютуқлар, олдимизда турган вазифалар атрофида анализ қилинди. Булар шунчалик сертармоқ, мураккаб масалаларки, ҳар бири устида узун ва жиддий ўйлаш керак. Мен қаламкам сифатида ўзини кўнган ҳажжонларни келган талай саволларга Пленум материалларидан жавоб топдим. Шулардан баъзилари ҳақида икки оғиз сўз айтсак. Пленумда қорхона ва хўжалиқларнинг ҳуқуқини кенгайтириш ҳақида алоҳида тўхтаб ўтилган. Бу жуда жиддий масала...

шоша-пиша ёзмаган маъқул. (Чала турилган бола макруҳ бўлади. Бадий асар эса — тирлик организм. У ясалмайди, туғилмайди). Бироқ бу соҳада ҳам адабиёт олдида турган катта вазифа бор. Бу — қаламкам дунёга келтирган яхши асарни тизорқ китобхонага етказиш. Шунини мамнуунини билан айта оламаники. Ч. Айтматовнинг «Кунда» романи, А. Твардовскийнинг «Хотира ҳуқуқи» достони қардош республикалар орасида биринчи бўлиб ўзбек китобхоналарига она тилида етказилган. Ҳар иккала асар «Шарқ юлдузи»нинг яқин сонларида эълон қилинади.

— Матбуотда чиқаётган, республикада рўй берган салбий ҳолатлар — кўп йиллар авж олган порохурлик, қўшиб ёзишлар, таниш-билишчилик сингари кўнгилсиз воқеалар ҳақида ёзилган мақолаларни ўқиганда уялиб кетади одам.

Яқинда Қашқадарёда бўлганимда кенса деҳқон билан суҳбат қилдим. «Шунча йил меҳнат қилдик, пахта эдик, вақти келса, болаларимиз оғлаб ўқинишди, қолди пахта терди, вақти келса, 30 сўм маош билан рўзгор тебратдик.

вими китобларига айланган. Янги қиссангиз — «Икки қарра икки — беш» юзасидан баҳслар бўляпти. Айтилган, мабодо Раис Нарғиснинг номусини поймол қилмаганда Қўшоқвой неси қўтарармида?

